

Исломий оила ва унинг одоблари

05:00 / 14.02.2017 6031

Ҳозирги пайтда аёлнинг иззатини ва инсонийлигини тириклайин кўмишган. Эркак учун ўйналадиган қўғирчоқ бўлиб, жоҳиллар у билан вақтларини чоғ қилиш. Бу ҳол худди ёш болалар қўғирчоқ ўйнаганга ўхшайди. Уни яланғоч ё яланғочсифат қилиб журналларга тамоша қилишлари учун чиқариб қўйишади. Эркаклар ғаризаларни кўзғатадиган шарманда шаклда, илмфан ёки гўзаллик баҳоналари билан расмларини чизишиб, унинг суратларини кийимкечак дўконларига, китоб сотиладиган расталар, меҳмонхоналар ва бошқа ҳар хил дўконларга, ҳатто ҳаммомларгача қўйиб чиқишган. Бунга унинг гўзал ва латофатлилигини баҳона қилишади. Яна гўзаллик маликаси деган фикрни ҳам ихтиро қилишган, бўлиб «Пахта гўзаллик маликаси» ё «Ипак гўзаллик маликаси», «Баҳор гўзаллик маликаси», «Латофатгўзаллик маликаси», «Куз гўзаллик маликаси» деган сўзларни атрофдан эшитамиз. Ҳозирги вақтда «гўзаллик маликалар»и орасида эркакларнинг боши айланиб кетади. Айтингчи, бу ишлар аёлни ҳурмат қилишми ёки унинг назокатидан фойдаланиб, унинг иззатини оёқости қилишми?

Никоҳни ифбат ва сақланиш йўли қилиб берган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. У зот мусулмонларга уйланиш йўлўриқларини, унинг сабаб-омилларини енгиллаштиришга ва нафсларини ҳаромдан сақлашга буюради. Уйланишга рағбатли кимсаларнинг ризқларида бойлик ва кенгликни ваъда қилади. Шаъни азиз бўлган зот шундай дейди:

«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар, агар улар камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни Ўз фазлу карами билан бой-беҳожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) Кенг, Билгувчидир» (Нур, 32).

Ва башарият ҳидоятчиси, инсоният муаллими, улуғ мураббий, намунали эр, умматни иззат ва ҳақ йўлда қоим бўлишга, йигитларни вақтида уйланиши учун ўзининг оталарча ва улуғ кўрсатмалари билан тарғиб қилган саййидимиз Муҳаммадга саловот ва саломлар бўлсин. У киши айтганларки: «Эй йигитлар жамоаси, сизлардан ким уйланишга қурби етса, уйлансин, чунки уйланиш кўзни аёлларга қарашдан ва фаржни ёмон, ҳаром ишлардан сақлайди. Агар қайси бирларингизнинг уйланишга қурби етмаса, рўза тутсин, рўза тутиш у учун яхшидир» (Бухорий ва Муслим ривояти)

Ва яна саййидимиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) хонадонларига, саҳобаларига ва

у зотларга қиёматгача яхшилик билан эргашганларга саловот ва саломлар бўлсин.

Бу рисола мусулмон биродарларимиз учун манфаатли бўлиб, пок Ислом шариатида турмуш қуриш ишларига тааллуқли. Ўзларига Ислом динини лозим тутган ва аҳкомларига мувофиқ яшашни, шу билан бирга расмиятчанлик ва бепарволикдан узоқ бўлиб, аср руҳи билан ҳамнафасликда юришни ирода қилган мусулмон оилага бажариши керак бўлган тўй ва никоҳ мавзулари ўрин олган. Чунки Ислом ҳар бир замон ва маконга хос бўлгани боис инсон болаларининг ислом одоби ва аҳкомларини тутишлари билан саодат ва роҳат фароғатда яшашига тўсқинлик қилмайди. Ушбу кичик рисолада ўқувчи учун Қуръон ва суннатдан ташқари ўтган тақводор солиҳларнинг ҳаётидан кўплаб далил ва мисоллар келтирилган. Китоб муқаддима, ўнта бўлим ва хотимадан таркиб топган.

Аллоҳдан сўрайманки, «келинкуёвга ҳадя» сифатида битилган бу рисола мусулмон йигитқизларга наф келтирсин ва уларни шайтон тузоқлари ва фитна сирпанчиқларидан узоқ қилсин. Шу билан биргаликда амалларимизни Ўзи учун холис бўлишини насиб қилсин. Албатта, яхшилик ва раҳмат эгаси унинг Ўзидир. Саййидимиз Муҳаммаднинг хонадони ва саҳобаларига Аллоҳнинг салоти ва саломлари бўлсин.

Шайх Муҳаммад Али Собуний